O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI MARKAZIY MATBUOT ORGANI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 25 октябрь, шанба № 129 (1861). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 25 октября, 2003 г. № 129 (1861). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Олий Мажлисда

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур қўмита раиси Ў. Ҳошимов бошқарган йиғилишда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятидаги ижросига оид масала муҳокама этилди.

Ушбу қонун ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона — оммавий ахборот воситалари кенг ривожланган вилоят. Бугунги кунда вилоятда 72 номдаги газета чоп этилмоқда. Уларнинг кўпчилиги нодавлат ва тармоқ газеталаридир. Газеталарнинг барчаси офсет усулида босилмоқда. Мавзулари ҳам ранг-баранг. Фарғона, Марғилон, Қўқон телевидениеси ишлаб турибди. Сўх туманида тожик тилида эфирга чиқувчи телеканал бор.

Камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, айрим телева радиоканалларда берилаётган кўрсатув ва эшиттиришлар, газеталарда чоп этилаётган материалларнинг сифат ва савияси пастлигича қолмоқда. Бундай нуқсонларни тузатиш учун ижодкорлар мамлакатимизда журналистлик фаолият учун яратилган кенг шароитдан самаралироқ фойдаланмоқлари зарур.

(ЎзА).

Узбекистан: национальные приоритеты и цели тысячелетия

Анализу ключевых вопросов социально-экономического развития с точки зрения национальных приоритетов посвящен отчет «Общая оценка страны: Узбекистан», подготовленный представительством ООН в нашей республике. Его официальная презентация состоялась в Международном бизнес-центре в Ташкенте. Сюда были приглашены представители республиканских государственных и общественных структур, международных организаций, отечественные и зарубежные журналисты. «Подготовка подобных отчетов осуществляется во всем мире в рамках инициативы Генерального секретаря ООН, направленной на реформирование Организации Объединенных Наций», — отметил постоянный представитель ООН в Узбекистане Ричард Конрой.

Нынешний отчет является обновленным документом, впервые подготовленным еще три года назад. В нем дается оценка процессам переходного периода с момента обретения нашей страной независимости. Главное преимущество отчета в том, что сбор, обработка и анализ данных проводились агентствами ООН в тесном сотрудничестве с правительством страны, международными донорскими организациями и институтами гражданского общества. Ситуация в Узбекистане напрямую увязана с целями в области развития, определенными Декларацией тысячелетия. В документе отражены важнейшие аспекты государственного управления и безопасности, развития экономики, образования и здравоохранения, экологическая обстановка. Достижения республики представлены в сравнении с аналогичными показателями других стран СНГ.

— Собранные фактические материалы и статистические показатели дают возможность более глубоко осознать ключевые задачи и проблемы социально-экономического развития республики, выбрать оптимальные пути их решения, — сказал начальник Главного управления макроэкономического анализа и прогнозирования Министерства экономики Узбекистана Шухрат Шукуров. — Их изучение способствует выработке совместного понимания настоящих и будущих потребностей нашего общества, выявлению потенциальных сфер сотрудничества как на национальном, так и международном уровне.

На презентации выступили глава представительства Всемирного банка в Узбекистане Дэвид Пирс, постоянный представитель Фонда ООН в области народонаселения Несим Тумкая, глава представительства Всемирной организации здравоохранения Арун Нанда, региональный представитель Управления ООН по наркотикам и преступности Джеймс Каллахан, представители ряда других международных организаций и агентств ООН, работающих в нашей стране.

Отмечалось, что достигнутая стабильность в разных сферах жизни узбекистанского общества — результат планомерного и поэтапного осуществления реформ. Сегодня республика — одна из немногих на постсоветском пространстве, где поддерживается постоянный рост реального годового ВВП на уровне 4 процентов и выше. Достигнута энергетическая и зерновая независимость. Узбекистан занимает третье место в мире по экспорту хлопка. При этом ассортимент экспорта расширяется, в перечень сегодня входят не только природные ресурсы, но и произведенные из них товары. Осуществляется контроль за дефицитом государственного бюджета при сохранении расходов на социальную сферу. Средняя продолжительность жизни наших граждан составляет 71,3 года, что также выше, чем в ряде других стран. Этот показатель характеризует и уровень развития здравоохранения. За годы независимости в 1,5—2 раза сократилась младенческая и материнская смертность. Степень грамотности населения — около 99 процентов, охват базовым образованием достигает 97 процентов.

В отчете проанализировано развитие человеческого потенциала страны в контексте обеспечения многоаспектной безопасности населения и его права на участие в делах государства. Основные проблемы связаны с необходимостью дальнейшей реорганизации структур управления, которая должна повысить эффективность, прозрачность и открытость их работы. Сделан вывод о том, что для Узбекистана наиболее приемлема политика, способствующая повышению уровня занятости населения. Подчеркнуто, что продуманное инвестирование в развитие человеческого потенциала поможет свести к минимуму трудности переходного периода и расширить доступ к качественному здравоохранению, образованию и социальному обеспечению всех слоев населения.

К 24 октября — Дню Организации Объединенных Наций, когда состоялась презентация отчета, было приурочено также объявление о начале кампании по целям развития, определенным в Декларации тысячелетия. Она направлена на повышение информированности населения Узбекистана в вопросах, связанных с достижением этих целей, и будет проводиться во взаимодействии с государственными и общественными организациями, средствами массовой информации.

Анна ИВАНОВА, корр. УзА.

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Пойтахтимизда Япония ҳукуматининг кичик кўламдаги ижтимоий соҳаларга бегараз ёрдами йўналишида «Собир Раҳимов тумани 196-ўрта мактабини таъмирлаш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳа 2002 йил 15 ноябрда Японияниг мамлакатимиздаги элчихонаси билан мазкур мактаб ўртасида имзоланган грант-битим асосида амалга оширилди.

Лойиҳага кўра, Япония ҳукумати томонидан ажратилган саксон бир минг тўрт юз олтмиш саккиз АҚШ доллари миқдоридаги маблағ мактаб биносини таъмирлаш ишларига ҳамда мебель, спорт анжомлари, компьютерлар ва бошқа зарур техникавий ускуналар сотиб олишга сарфланди.

Лойиҳа тақдимоти маросимида Японияниинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

Н. ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА мухбири.

● ВЕСТИ С ИТОГОВОЙ ПРОВЕРКИ

ПО ТРУДУ И ЧЕСТЬ

Напряженно, с полной отдачей сил трудились в течение всего учебного года подрывник и снайпер, младшие сержанты по контракту Бекзод Хамраев и Бахтиер Жаборов, пулеметчик рядовой Хасанбой Солиев, помощник гранатометчика младший сержант по контракту Жамшид Жалилов. На днях они держали экзамен по специальной подготовке. С поставленной учебно-боевой задачей воины справились успешно, получив высокие оценки. Подводя итоги, в числе отличившихся проверяющий назвал имена именно этих воинов. Они еще раз доказали, что по праву являются одними из лучших в подразделении и что слова у них не расходятся с делом. В начале летнего периода обучения воины-контрактники взяли обязательства завершить его на хорошо и отлично и обещание свое сдержали.

— Мои сослуживцы не ограничиваются своим индивидуальным успехом, они словом и личным примером вдохновляют товарищей на повышение ратного мастерства, — говорит номер расчета младший сержант по контракту Хонжарякуб Нарбаев, — благодаря их помощи радиотелефонисты младшие сержанты по контракту Хусан Умматов и Умид Норкулов развили такие физические качества, как выносливость и сила. И на итоговом занятии по физподготовке они добились хороших результатов. В настоящее время подводятся итоги главного экзамена года, а воины думают уже о дне предстоящем — зимнем периоде обучения, активно включившись в подготовку материально-учебной базы.

Майор З. ХАИРИТДИНОВ.

По итогам учебного года водитель рядовой Х. Давлятов — в числе передовиков. Фото Александра МРУЧАКА.

ТОШКЕНТЛИК МЕРГАН

Катта лейтенант Гавҳар Норметов командирлик қилаётган батальонда аълочи посбонлар талайгина. Айнан шулар якуний синов машғулотларида ҳам умумжамоа ютуғида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишди. Зеро, ҳар қандай жамоа ҳам кўпчилик ҳисобига эмас, кучлилар ҳисобига етакчи ҳисобланади. Аскарларнинг барча тайёргарликлар бўйича юқори кўрсаткичларни қўлга киритишида икки нарса муҳим деб ўйлайман. Командирларнинг сабоқ бериши яъни, машғулотларда керакли маълумотларни етказиб бера олиши ҳамда тингловчиларнинг уларни қабул қилиши, аниқроғи илм олишга бўлган интилиш ва қизиқиши. Ушбу омиллардан қай бири бўлмасин яхши ишламаса, «яхши» ёки «ўрта» баҳоларни қўлга киритиш ҳам жуда мушкул.

— Ёшлигимдан ҳар қандай ишда аниқликка эътибор қаратишга одатланганман, — дейди оддий аскар Ҳ. Нурмуҳамедов. Пойтахтлик бу йигит ҳарбий хизматга жорий йилнинг май ойида чақирилган. — Бу ерга келиб айнан снайперчи вазифасида эканлигимдан хурсандман. Чунки, мерганлик ўта аниқликни, шу билан бирга тезкорликни ҳам талаб этади. Мана якуний синов машғулотлари ўз ниҳоясига етди. Мен бу синовларда илк бора қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритишимда командирларимнинг ҳиссалари катта. Улар ичида взвод командиримиз катта лейтенант Мираазиз Мираҳмедович алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Чунки, ўзига хос қизиқишимни у хизматимнинг илк кунлариданоқ илғаб олди ва доим ўз устимда ишлашга ундади, ҳаракатларим орқали муваффақиятларга эриша олишимга ишонтирди. Дарҳақиқат, ўз кучига, иқтидорига, қобилиятига ишонган инсон мақсад сари дадил қадам ташлайверади.

Якуний синов машғулотларида Ҳасан каби юқори натижаларни қўлга киритган йигитлар кўп. Уларнинг ҳар бири бетакрор, ўзига хос. Бироқ улар ўртасида умумийлик ҳам бор. Яъни, уларда ғалабага бўлган интилиш, муваффақиятга бўлган ишонч бошқаларга нисбатан анчайин кучли.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

АЪЛОЧИ ПАРАШЮТЧИ—АЪЛОЧИ СПОРТЧИ

Десантчилар қисмининг капитан Зафаржон Эрқулов вақтинча командирлик вазифасини бажараётган батальони шуқорларидан бир нечтаси якуний синовларда текширувчилар эътирофига сазовор бўлишди. Аниқроғи катта лейтенант Сандусмон Шералиев етакчилигидаги взвод посбонлари жисмоний тайёргарликдан юксак натижаларга эришдилар. Айниқса, захирага бўшаш арафасида турган аскарлар. Масалан, оддий аскар Дониёр Сайдуллаевни олайлик. Йигит Тошкентнинг Миробод туманидан. 2002 йилнинг баҳорида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган. Армиягача политехника коллежини тугаллаган. Хуллас, якуний синов у учун муддатли ҳарбий хизматидаги энг сўнгги довон эди. Йигит бу довонни ҳам ишонч билан забт этди. Жисмоний тайёргарлик бўйича синовларда муваффақиятга эришиб, аъло баҳо билан биринчи разрядга эга бўлди. Ана шундай кўтаринки руҳ билан бошқа тайёргарликлар бўйича ҳам зафар қучди. Мана, у ёруғ юз билан уйига йўл олаяпти. Хизмати давомида 14 бора парашют билан сакради. Взвод старшинасининг энг яқин ёрдамчисига айланиб, жамоасида жанговар шайлик ошишига улкан ҳисса қўшди. Казармага киргинимизда посбон маиший хизмат кўрсатиш хонасидаги ранго-ранг гулларга сув қуйиб, аквариумдаги балиқларни озиқлантираётган экан. «Жамоат ишларида ҳам фаол бу посбон», дейди взвод командири у ҳақда. Дониёр оддий аскар Рамзиддин Қурбонов билан мусобақадош эди. Дарвоқе, Дониёр мўлжалга олувчи оператор, мусобақадоши эса снайперчи. Иккаласи ҳам бир вақтда сафларга қўшилган. Буни қаранг-ки, Рамзиддин ҳам дўстидан ортда қолишни истамади. Ҳатто енгил атлетика бўйича бир хил разрядга эга бўлишди. Оддий аскар Курбоновнинг ҳарбий гувоҳномасини кўздан кечираман. Унинг ҳимоялар, рағбатлар билан боғлиқ саҳифасида «аълочи парашютчи» деб ёзилган. Энди эса захирага бўшаётиб, разряд борасида қайдлар битилади унга. Рамзиддин ижтимоий-сиёсий тайёргарликлардан синов топширар экан, ундан текширувчилар Қуролли Кучларимизда кечаётган ислоҳотлар моҳияти, халқаро терроризм, диний экстремизм хусусида сўрашди. Дунёқараши кенг посбон мазкур тайёргарликдан аъло баҳо олди.

Қибрайлик ўғлон — гранатомётчи оддий аскар Бобур Худойберганов ҳам сафдошларидан ортда қолишни истамади. Турникда 20 марта тортилди. Тўсиқлар оша югуришда рекорд натижага эришиб, разрядга эга бўлди. Дала-ўқув машғулотларида синовлар топширар экан, жанговар қуроли гранатомётдан нишонга бехато отди. Ҳатто тунги отиш машғулотида ҳам кўзланган маррага етди.

Оддий аскар Убайдулло Рустамов ижтимоий-сиёсий тайёргарликдан якуний синовни «яхши» баҳога топширди. Жисмоний, махсус, ўт очиш тайёргарликларидан маҳоратини намоён этди. Шу боис ҳам захирага кузатилаётиб, бу аскарга қисм қўмондонлиги Фахрий ёрлиқ берди. Снайперчи вазифасини бажарган бу посбон ҳаёт мактабида кўп сабоқлар олди.

Взвод командири бундай посбонлари билан фахрланади. Ахир улар эришган ютуқлар сабаб, жамоаси батальонда етакчи ўринни эгаллади.

— Якуний синовларда кўзлаган натижамизга эришдик. Энди сафларимизга қўшилажак ёш аскарлар билан ишлаш хусусида ўйлашимиз, қишки ўқув мавсумига ҳозирлик ҳақида бош қотиришимиз лозим, — дейди катта лейтенант С. Шералиев.

Взводнинг «Десантчи» деворий газетасининг якуний синовлар натижалари билан боғлиқ сони тайёрланишга киришилди. Уни муҳаррир оддий аскар Ўткир Исмоилов тайёрлаяпти. Деворий газетада аълочиларнинг илғорликларидан сўз очилади. Ҳа, ютуқлар довони забт этилганлиги билан иш тўхтаб қолгани йўқ. Юртнинг асл ўғлонлари жанговар шайликни оширишнинг янги-янги йўлларини излашаяпти.

Каштан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● КУЗГИ ЧАҚИРУВ—2003

ТАНЛОВ САРАЛАРНИ САРАЛАЙДИ

Олтиариқ туман мудофаа ишлари бўлимида чақирув билан боғлиқ ишлар жадал суръатда давом этаётган экан. Туман ҳозирча вилоятда яхши ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бунинг асл сабаби билан қизиққанимизда, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонун тарғиботига бу ерда эътибор катта экан.

— «Давр овози» номли газета бор туманда. У орқали янги Қонун, янги хизмат тури, айниқса, чақирувнинг кўрик-танлов асосида ўтиши борасида мунтазам чиқишлар қилиб бораётганимиз ўз самарасини бермоқда, — дея сўз бошлайди туман мудофаа ишлари бўлимининг чақирув масалалари бўйича масъул офицери катта лейтенант Муҳаммадкарим Юсупов.

— Айтинчи, кўрик-танловга чақирилувчилар, ота-оналар қандай муносабатда бўлишмоқда?

— Тарғиботда гап кўп экан. Ўтган чақирувда бу янгилик илк бор жорий этилгани сабаб, бироз англашилмовчиликлар учради. Мана, кузги чақирувда бу борада кийинчиликлар йўқ. Маҳалла-кўйларда олиб борилган

(Давоми 2-бетда).

«ЮЗИМИЗНИ ЕРГА ҚАРАТМАЙДИ!»

Пойтахтимизнинг Жанубий темирйўл вокзали. Одам ҳар доимгидан-да гавжум. Янграётган ёқимли куй ва қўшиқ садолари йигилганлар кайфиятини янада кўтариб, самимийлик ҳамда шоду ҳуррамлик, илиқликни таратаётир... Дарҳақиқат, ўша кун у ерга тўпланганлар учун ўзгача ва унутилмас кун, чунки муддатли ҳарбий хизматга жўнаётганлар учун навбатдаги тантанали митинг бўлаётган эди.

Бу галги байрамона кузатувни Чилонзор ва Ҳамза туманлари мудофаа ишлари бўлимлари ташкиллаштиришди.

Митингни Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Зокир Раҳматов ўзининг кириш сўзи билан очиб берди. Биринкетин сўзга чиққанлар — Ҳамза туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Рустам Деққонбоев, туманларнинг чақирув комиссиялари вакиллари, «Нуроний» жамғармаси туман бўлимлари раислари, ота-оналар йигитларимизга самимий тилакларини билдиришиб, «ҳаёт мактаби» дея аталмиш армиядан ёруғ юз билан қайтиб келишларини тилашди. Чилонзор тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Феруз Каримов нутқини якунлагач, ташкилот томонидан чақирилувчиларга — бўлажак муддатли ҳарбий хизматчиларга аталган махсус совғаларни тантанали равишда топширди.

(Давоми 2-бетда).

Сайёрамиз садоси • Пульс планеты

Всемирная организация здравоохранения заявила, что Китай должен удвоить усилия по профилактике атипичной пневмонии на юге страны. По информации организации, есть признаки того, что Китай приуменьшает важность этой проблемы в национальном масштабе.

***

Президент Беларуси призвал представителей белорусских и российских СМИ сесть за стол переговоров, чтобы договориться о правилах работы в информационном пространстве республики. Об этом глава государства заявил, отвечая на вопросы журналистов в ходе пресс-конференции в Минске. «Необходимо сесть всем за стол переговоров и договориться, как работать на рынке Беларуси. Сделать это нужно вместе с журналистами. А потом предложить выработанную схему на утверждение президентам», — заявил белорусский лидер.

***

Премьер-министр Украины Виктор Янукович подтверждает позицию своей страны относительно того, что линия разграничения в Азово-Керченской акватории должна проходить по водной поверхности, а не по дну, как это предлагает Россия. Об этом Янукович заявил журналистам по итогам переговоров с Михаилом Касьяновым относительно строительства российской дамбы.

***

Папа римский Иоанн Павел II решил пропустить пятничную мессу в связи со слабым здоровьем. Как сообщили источники в Ватикане, после почти двухнедельного празднования 25-летнего юбилея своего понтификата 83-летнему папе требуется серьезный отдых.

***

Председатель КНР Ху Цзиньтао, который сейчас находится с государственным визитом в Австралии, назвал страну ключевым экономическим партнером Китая. В ходе выступления в австралийском парламенте Ху выразил надежду на то, что в ближайшие несколько лет торговые и культурные связи между двумя странами значительно углубятся.

***

В Париже начался суд над тремя фотографами, которые делали снимки принцессы Дианы и ее друга Доди аль-Фаеда перед автокатастрофой, в которой они оба погибли. Дело было возбуждено по иску отца Доди аль-Фаеда миллионера Махаммеда аль-Фаеда. Об обвиняет трех фотографов Жака Лангвейна, Кристиана Мартинеса и Фабриса Шасери во вмешательстве в частную жизнь. Обвинение основано на недавно созданном прецеденте, согласно которому салон автомобиля считается частным, даже если в этот момент автомобиль движется по общественной дороге.

***

Более 15 тыс. семей, которые попросили политического убежища в Великобритании более трех лет назад, смогут остаться на территории этой страны на неограниченный срок. Об этом заявил министр внутренних дел Великобритании Дэвид Бланкет.

***

Япония выделила на восстановление Ирака еще 3,5 млрд. долларов в виде среднесрочных займов. Об этом заявил глава администрации правительства Японии Ясуо Фукуда перед началом второго дня конференции странодоноров в Мадриде. Ранее правительство Японии выделило на реконструкцию Ирака 1,5 млрд. долларов.

***

В правительстве Хакасии завершилась подготовка официальных предложений по экономическому сотрудничеству с Республикой Корея. С 1 по 4 ноября делегация правительства Хакасии во главе с Алексеем Лебедем посетит Южную Корею. Власти этой страны выступили с предложением совместно собирать в Абакане корейские автомобили. Планируется выпуск легковых автомобилей на базе «Аваконвагонмаша».

***

Сенат США принял решение повысить заработную плату членам конгресса в среднем на 2,2%, или на 3,4 тыс. долларов. Теперь жалованье конгрессменов будет составлять 158 тыс. долларов в год. Дебаты по этому вопросу заняли всего 10 минут. Теперь соответствующий законопроект должен быть представлен на подпись президенту США Джорджу Бушу. Всего с 1999 года заработная плата законодателям выросла в среднем на 21 тыс. долларов. При этом минимальный оклад рабочих не поднимался с 1997 года. Повышение зарплаты затронет и вице-президента Дика Чейни, который в настоящее время получает 198,6 тыс. долларов в год. Годовое жалованье президента США в 400 тыс. долларов не изменится.

(По страницам Интернета).

● ОБУНА-2004

„Ватанпарвар“ газетаси муштарийларига

Республикамизда 2004 йил учун даврий нашрларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий нашри «Ватанпарвар» газетасига обуна бошланди.

«Ватанпарвар» газетаси республикамиздаги обрўли нашрлардан бири ҳисобланади. Газетамизга обуна бўлсангиз, унинг саҳифаларида доимий равишда бериб борилаётган мамлакатимиз Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотлар, қисм ва бўлинмалар ҳаёти ва жанговар фаолияти ҳақидаги мақолалар, жангчиларимизнинг ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига доимо шайлик руҳида тарбияланиб борасидаги мунтазам лавҳалар, очерклар билан танишиб борасиз.

Шунингдек, «Ватанпарвар» саҳифаларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳаларида эришган ютуқлари, халқаро ҳаётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади.

«Ватанпарвар» газетасига обуна республикада жойлашган барча почта алоқа бўлимларида, матбуот тарқатувчи жамиятларда ва матбуот киоскаларида қабул қилинади.

Нашриёт манзили: Тошкент—31, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй. Мўлжал: «Отель Гранд Мир» (собиқ «Россия» меҳмонхонаси). Маълумотлар учун телефон: 56-03-46.

ТАНЛОВ САРАЛАРНИ САРАЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тушунтириш ишлари ҳам ўз самарасини берди. Қолаверса, маҳаллий ҳокимлик томонидан кўп ёрдам берилаяпти. Бугун чақирилувчи қайси омиллар бўйича кўрик-танловдан ўтишини билади. Шунга қараб чақирувга ҳозирлик кўраяпти. Ота-оналар ҳам фарзандларини ҳар томонлама баркамол бўлишига, муддатли ҳарбий хизматга яроқли қилиб ўстиришга ҳаракат қилишмоқда. Ҳатто мудофаа ишлари бўлимига келиб, танлов шартлари, олинажак баллар хусусида қизиқишади.

— Туманда чақирилувчилар ўртасида кўпроқ қандай хасталиклар учраяпти?

— Бир нарсани қувонч билан таъкидлашни истардим. Туманимиз йигитларининг кўпчилигини ички, чегара қўшинларига хизматга олиб кетишмоқда. Бу уларда яроқлилик даражасининг юқори эканлигини кўрсатади. Бироқ, айрим хасталиклар ҳам учраб турибди. Айниқса, хирургик касалликлар. Тиббий комиссиямиздаги малакали шифокорлар бундай хасталикларни ўз вақтида аниқлаб, уларни даволаш бўйича муҳим ишларни амалга оширишмоқда.

— Маҳаллий ҳокимиятнинг чақирув билан боғлиқ ишларининг сифатли амалга оширишда хизматлари қай даражада?

— Чақирув комиссияси раиси — туман ҳокимининг ўринбосари Тоҳир Тожиев ҳар қандай муаммони ўз вақтида ҳал қилишга ёрдам беради. Масалан, чақирув арафасида ҳокимлик чақирув пунктини сифатли таъмирлаб берди. Ҳокимликда чақирув бўйича йиғилишлар ўтказилиб, қилинаётган ишлар таҳлил қилинади.

Вилоятнинг яна бир тумани — Қува тумани мудофаа ишлари бўлимининг айни чақирув мавсумидаги ишлари билан танишамиз. Айтиш жоизки, туман вилоятда бу борада етакчи ўринларда. Туман мудофаа ишлари бўлимининг чақирув масалалари бўйича масъул ходими капитан Ўрмонжон Маҳкамов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Туман халқ таълими бўлимининг руҳшуноси Миродил Низомов танловдан энг сара йигитлар ўтишига катта улуш қўшмоқда. Барибир мутахассис мутахассис-да. Тиббий комиссиядаги барча шифокорлар муайян тоифага эга. Чақирув пункти 85—90 фоиз зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Туман мудофаа ишлари бўлимининг янги биноси Наврўз байрамига топширилиши кутилаяпти. Янги Қонун қабул қилиниши, армиямизда кечаётган ислоҳотлар ҳарбий хизмат нуфузини янада оширмоқда. Шу боис, муддатли ҳарбий хизматга бориш истаги ёшларимизда ортиб бораётир.

Вилоят чақирув пунктида қоровул қўшинлари бош бошқармасининг вакили подполковник Одилжон Усмонов билан танишиб қолдим. У мазкур қўшин турига тавсия этилган чақирилувчилар билан алоҳида-алоҳида суҳбат олиб бораётган экан.

— Бошқармамиз томонидан эслатма чоп этилган. Унда янги Қонундан, буйруқлардан кўчирмалар, чақирилувчиларни танлаб олиш мезонлари бор. Қисмдан келадиган ҳар бир вакилга бундай эслатмалардан берганмиз. Улар шу асосда иш юритишади. Унда чақирилувчини танлаб олиш, ҳужжатлари билан танишиш, қўйингки, ипидан игнасигача бари мавжуд. 10 октябрда илк команда қўшинларимизга жўнатилди. Жуда катта тантана билан кузатдик, ўғлонларни. Олий маълумотли, икки фарзаднинг отаси бўлган бир чақирилувчи билан суҳбатлашдим. Армияга, қоровул қўшинларига хизматга кетмоқчи. Танловдан муваффақиятли ўтган, ҳар томонлама муддатли ҳарбий хизматга лойиқ. Қолаверса, қонун бўйича у хизматга кетиш ҳуқуқига эга. Бироқ, суриштирув натижасида билдикки, унинг хизматга боришини бугунги кундаги оилавий шароити тақозо этмайди. Биз чақирилувчига қонун бўйича ҳуқуқларини тушунтирдик ва муддатли ҳарбий хизматга бориш муддати комиссия қарорига кўра кечиктирилганини маълум қилдик, — дейди, жумладан подполковник.

Хуллас, ҳар томонлама текширув, синовдан ўтган сара йигитлар армия сафларига жўнатилмоқда. Қалб амри билан ёниб, Ватан ҳимоясига отланган ўғлонлар шараф билан бурчларини ўташларига ишончимиз комил.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИДА

МУДДАТ ҚИСҚА— САБОҒИ БИСЁР

Шанба куни Фарғонада ойлик ҳарбий йиғинни ўтаётганлар ҳузурига циркдан, Кўқон шаҳар маданият уйидан артистлар келди. Шу тариқа навбатдаги дам олиш куни ҳам кўнгилли ўтди. Аслида дам олиш кунларининг ҳар бири сермазмун ўтиши учун режа асосида маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Аммо бу йиғин давомида фақат шундай тадбирларга эътибор қаратилади, дегани эмас. Йиғин иштирокчилари қисқа вақт ичида ҳарб илмининг муҳим қирраларини эгалламоғи лозим. Умумҳарбий Низомлар, жанговар қурол ва тактика илмини ўрганиш шулар жумласидан. Хўш, сабоқларни ўзлаштириш қай даражада? Келинг, буни йиғин қатнашчиларининг ўзларидан эшитайлик.

— Фарғона политехникумининг ҳуқуқшунослик мутахассислигини тугатганман. Йиғинни тугатиб, ички ишлар соҳасида ишламоқчиман. Шу боис тактика, разведка, муҳандислик, алоқа билан боғлиқ тайёргарликлардан кўп нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилаяпман. Айниқса, тактика машғулоти менга маъқул. Тоғ шароитида жанг олиб бориш усуллари, пистирмалар қўйиш қабиларни зўр қизиқиш билан ўзлаштираяпман. Взвод командиримиз лейтенант Маҳмуд Юсупхонов, гуруҳ командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ҳабибулло Ҳотамовлардан соҳа илмини чуқур ўрганмоқдаман.

Қўқонлик Аюбхон Фозилов янги хизмат туридан мамнун. Фарғона политехника институтининг иқтисодиёт соҳасини тугатиб, лойиҳалаш институтида иқтисодчи-сметачи бўлиб ишлаётган йигит учун сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат қулай имконият дегани-да. Севимли ишидан ажралмаган ҳолда бурчини ўтайди. Взвод командири лейтенант Равшан Ўринбоев бу йигитнинг интилувчан, шижоатли эканлигини таъкидлади. Айниқса, у саф тайёргарликларини тез ўзлаштириб олди.

— Бизни ўқчи мутахассислиги бўйича тайёрлашаяпти. Табиийки, жанговар қурол билан ишлаш йўл-йўриқлари пухта тушунтирилмоқда. Полигонга — дала-ўқув машғулотларига чиқиб, жанговар қуролдан нишонга отдик. Йиғин ўз ниҳоясига етиб бормоқда. Шу қисқа вақт ичида Қуролли Кучларимиз ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим, — дейди Аюбхон.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

Военно-политические новости

СОБСТВЕННЫЕ..., НЕЗАВИСИМЫЕ ОТ НАТО

Европейский парламент высказался за создание собственных органов военного планирования, независимых от НАТО. В заявлении, предложенном Комитетом иностранных дел и безопасности и принятом Европарламентом, отмечается, что дальнейшее укрепление сотрудничества между ЕС и НАТО важно для европейской безопасности, однако звучит призыв к формированию отдельных мощностей. Неделю назад американский посол в НАТО назвал намерение создать независимые военные органы «самой серьезной угрозой будущему НАТО».

ДЕЛО ДВУХ СТРАН

Вашингтон считает, что 20 млрд. долларов, выделенных США на восстановление Ирака, не должны идти через Всемирный банк или ООН. Об этом заявили представители США в ходе международной конференции по Ираку в Мадриде. На конференции будут образованы два фонда — Всемирного банка и ООН — для денег, которые будут предоставлены Ираку различными странами. Однако американская делегация заявила, что они не намерены посылать 20 млрд. долларов через эти фонды. По их словам, эта помощь является делом двух стран и будет передана Ираку в двустороннем порядке.

КРОВЬ НЕ СДАВАТЬ

Американским солдатам, вернувшимся из Ирака, предписано не сдавать кровь в течение одного года после их возвращения. Такое постановление было издано министерством обороны США и Национальной ассоциацией банков крови.

УДАЛОСЬ СКРЫТЬСЯ

Палестинец расстрелял троих израильтян в еврейском поселении в секторе Газа. В результате атаки, также были ранены еще несколько человек. Об этом сообщили представители израильских сил безопасности. По их словам, вооруженному палестинцу, который проник в хорошо охраняемое еврейское поселение Нетзарим, удалось скрыться.

В РЕЗУЛЬТАТЕ...

В иракском городе Мосуле в результате обстрела погиб американский военнослужащий. Об этом сообщили представители американского командования.

БУНДЕСТАГ ЗА...

Германия одобряет расширение зоны ответственности войск НАТО в Афганистане за пределы Кабула и размещение своих войск на этих территориях. Соответствующее решение было принято на сессии бундестага. По решению бундестага 450 немецких миротворцев отправятся в провинцию Кундуз, где будут проводить разоружение бывших боевиков и вести подготовку к выборам, намеченным на лето 2004 года.

ЗАДЕРЖАНЫ НА ГРАНИЦЕ

На дагестанском участке грузино-российской границы близ пограничного пункта Дикло грузинские пограничники задержали двух граждан России. У задержанных изъяты один автомат Калашникова, три гранаты Ф-1, нож и 20 г марихуаны, сообщили в пресс-центре департамента охраны госграницы Грузии. По документам, оба задержанных являются гражданами России и жителями Дагестана. В настоящее время погранведомство и министерство внутренних дел идентифицируют личности задержанных. О факте задержания грузинские пограничники уже сообщили соответствующим службам России, сказали в пресс-центре.

ПОДОЗРЕВАЮТСЯ В ТЕРАКТАХ

В Чечне и Ингушетии задержаны три человека, подозреваемые в совершении терактов. Об этом сообщил руководитель пресс-службы Северо-Кавказского оперативного управления ГУ МВД России по Южному федеральному округу Тамирлан Казиханов. «Сотрудники милиции накануне в Грозном в одном из корпусов «городка Иванова» задержали активного члена бандгруппы Джамбулата Хажиева, подозреваемого в совершении терактов в Старопромысловском районе Грозного», — рассказал он. Кроме того, в станице Нестеровская в Ингушетии по подозрению в совершении убийств и терроризме задержали двух человек.

(По страницам Интернета).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фурсатдан фойдаланиб, сафарга отланаётганларни суҳбатга чорладик.

— Бугун мен учун жуда қувончли кун, — дейди чақирилувчи Юрий Билкин. — Чунки, мен ҳам юртимизнинг кўплаб ўғлонлари сингари она-Ватан ҳимоячиси, аскар деган шарафли ҳамда масъулиятли номга мушарраф бўлмоқдаман. Бундай бахтга эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермаслигини яхши биламан. Қолаверса, ҳарбий хизматга йигитларни саралаш кўрик-танлов асосида ташкиллаштирилаётгани ҳам миллий армиямиз сифатини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлардан бири эканлиги ҳаммага аён. Мен ваъда бераманки, профессионаллашув жараёни кечаётган бугунги Қуролли Кучларимиз сафларида муносиб хизмат қиламан.

„Юзимизни ерга қаратмайди!“

— Мен муддатли ҳарбий хизматга янги Қонун асосида жўнаяпман. Яъни, олий маълумотли бўлганлигим учун — 9 ойга, — дейди Ботир Ҳамроев. — Бу Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир. Бу каби юксак эътибор бизнинг олдимизга бир қанча талабларни, вазифа ва мажбуриятларни қўйиши аниқ. Зеро, бугунги кун талаби шундай. Ахир ихчам, ҳаракатчан, замонавий қуроллар билан таъминланган, доимий юксак жанговар тайёргарликка эга армияни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган жадал саъй-ҳаракатлар айнан шунга қаратилган.

Митинг нуроний ота-хоннинг чин дилдан қилган дуоси, оқ фотиҳаси билан якунланди.

Поезд оркестрнинг тантанавор садолари остида жўнаб кетди. Чақирилувчиларни кузатиб уйига қайтаётган ҳар бир ота-она, дўсту биродар, севимли ёр юрагига катта бир умидни тугиб қўйганлиги шубҳасиз: «У бизнинг юзимизни ерга қаратмайди, ишончимизни албатта оқлайди!»

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

РАТНЫЕ БУДНИ ВОИНОВ-АВТОМОБИЛИСТОВ

ТРУДНЫЕ КИЛОМЕТРЫ



Военный автомобилист младший сержант по контракту Икром Камолов волновался. Даже прохлада предрассветного утра не остужала пылающих щек. Дело в том, что ему, как и его товарищам, водителям младшим сержантам по контракту Бекзоду Хайруллаеву, Камолиддину Камалову, Ганишеру Тухтасинову, предстояло сдавать итоговую проверку по вождению, совершая многокилометровый марш.

Взглянув на мягко светящуюся доску приборов, воин заглушил двигатель — надо проверить уровень масла прогретого двигателя. Выпрыгнув из кабины, Икром осмотрелся. В воздухе стоял гул множества работающих моторов. «Масло в порядке», — отметил водитель и опустил капот. Теперь—в путь-дорогу.

Вскоре поступила команда «Вперед». Лента шоссе медленно поползла под колеса автомобиля, а дорожные столбики начали отсчитывать километры марша. С началом движения волнение Камолова улеглось.

Когда первые десятки километров остались позади, младший сержант по контракту И. Камолов стал беспокоиться за товарища. На затянувшемся спуске впереди идущую машину начало, как говорят водители, «заносить». Камолов знал, что управляет машиной младший сержант по контракту Ганишер Тухтасинов. Навыки вождения у него не слабые. Но, видимо, излишнее волнение давало о себе знать. Во время короткой остановки Икром подошел к сослуживцу, разъяснил, как следует поступать, когда машину заносит.

На следующем сложном участке маршрута Камолов с удовлетворением отмечал: машина Тухтасинова пошла ровнее. Конечно, водитель не раз слышал, да и на практическом вождении сталкивался со сложной трассой, поэтому теоретически знал, как справляться с управлением в таких случаях. Совет же сослуживца вселил в него больше уверенности.

Остались позади очередные крутой подъем и спуск, сложный серпантин. Выдерживая установленную дистанцию, машины продвигаются все дальше и дальше. Уверенно ведут машины все вышеназванные водители.

Спидометр отметил пройденные 160 км сложной горно-полевой дороги. Сколько их еще будет впереди! Но первый этап, как известно, самый трудный. И автомобилисты прошли его с честью.

Воинам еще предстояло решать несколько вводных— в том числе и преодолевать участок «зараженной» местности. Но с этой задачей они справились блестяще.

Вот и конец маршрута. С пройденными километрами к воинам пришла уверенность в своих силах. А когда есть уверенность, не страшны любые трудности, любые препятствия. Поэтому все воины-автомобилисты успешно сдали итоговую проверку по вождению.

Майор
Хайритдин ЗАИНИЛОВ.

ЁҚИЛҒИ ТАШУВЧИЛАР— ИЛҒОРЛАР ҚАТОРИДА

Капитан Ашрафжон Баҳронов бошчилигидаги моддий таъминот взводи шахсий таркиби якуний синовларда техника кўриги ўтказганларида текширувчилар шартнома бўйича хизмат сержанти Равшан Турсунов сардорлик қилаётган ёқилғи ташиш гуруҳини алоҳида тилга олишди.

Комиссия аъзоларининг таъкидлашича, мазкур бўлинма якуний синовларда қатнашаётган барча техникани ёқилғи билан узлуксиз таъминлаб туриш билан биргаликда ўзига биркитилган машиналарни ҳам шай ҳолда текширувчиларга кўрсата билди.

Аълочи ҳайдовчилардан Самарқанд вилоятидан хизматга келган оддий аскарлар Учқун Халилов ва Абдуманнопга эса — бензин ташувчи «Урал» машинаси. Иккала аскар ҳам якуний синовлардан сўнг захирага бўшатилишини кутмоқда, фақат ўрниларига келган ёш аскарларга машиналарни топширганларидан кейин уйларига қайтишади. Учқун — Ургут туманидаги Чоштепа қишлоғига, Абдуманноп — Каттақўрғондаги Қирғиз қишлоғига, ота-онаси бағрига қайтишади.

— Яқиндагина Мудофаа ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлари имзолаган қўшма буйруқдан хабардормиз, — дейди аскарлар. — Берилган имтиёзлардан албатта фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Бизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун миннатдормиз.

Қисм жанговар шайлигини таъминлашда ёқилғи таъминоти ролини ёдга олиб, бундай илғор аскарлар сони яиада кўпайишини тилаб қоламиз.

Майор А. НУРОВ.

Оддий аскар Ҳамза Ҳасанов ҳайдовчилик касбини тўлиқ эгаллаб, хизматга келган бўлса-да, тажрибали мутахассис сифатида айнан ҳарбий қисмда шаклланмоқда. Посбонинг кундалик машғулотларда, синов-имтиҳонларда қўлга киритаётган ютуқларини устоз-офицерлар доим кўпчиликка намуна қилиб кўрсатишади.

— Ўқув мавсуми якуний синов машғулотларида касбий тайёргарлигим, жанговар машинамнинг шайлиги яхши баҳоланди. Бу эса мени янги-янги ютуқларга руҳлантиради, — дейди оддий аскар Ҳ. Ҳасанов.

Александр МРУЧАК олган сурат.

Қўллари рулда, кўзлари йўлда

Оддий аскар Маъруф Анваров Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридан. Хизматга келмасдан илгари мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилар тайёрлаш мантабида ўқиган.

— Дадамларнинг касби ҳайдовчи, — дейди Маъруф. — Ёнларида кўп олиб юрган. Шу сабабдан бўлса керак, менда ҳам ҳайдовчи бўлишга иштиёқ уйғонди.

Маъруф 2001 йилда мактабни муваффақиятли тамомлаб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олди. 2002 йил баҳорги чақирувга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматга олинди.

— Аскарлик фаолиятимни айнан ҳайдовчи бўлиб ўтказаётганимдан жуда мамнунман, — дейди у фахр билан. — Топшириқ билан кўп йўл босишга тўғри келади. Демак, кўп жойларни кўраман.

Мен билан бирга хизмат қилаётган сафдошларимдан оддий аскар Дилёр Маллабоев ҳам ҳайдовчи. Дилёр Фарғона вилоятининг Қува туманидан.

Оддий аскар Отабек Тўхтамишев Қашқадарё вилоятининг Бешкент шаҳридан бўлади. У ҳам ҳайдовчи.

Бизлар баримиз хизматимиз давомида бу касбни янада чуқурроқ ўргандик, тажриба тўпладик, маҳоратимиз ошди.

Техника техника-да, у қанчалик янги, қанчалик соз бўлмасин, агар у билан яхши муомала қилишни билмасангиз, маҳорат билан бошқара олмасангиз, турли кўнгилсиз воқеалар келиб чиқиши мумкин.

Менинг ва сафдошларимнинг хизмат фаолиятлари давомида ҳеч бир кўнгилсизликлар юз бергани йўқ. Бермайди ҳам.

Маъруфнинг бу сўзларни ишонч билан айтаётганига асос бор. Биринчидан, у ҳайдовчилар тайёрлаш мактабида яхши ўқиган. Иккинчидан, унда бу касбга меҳр кучли.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳайдовчилик касбига меҳр қонида бор.

— Ўз машинамни ҳамиша соз ва шай ҳолатда тутганим, маҳорат билан бошқарганлигим сабабли командир ва бошлиқларимдан бир неча марта «Раҳматнома» олганман, — дейди гапини давом эттириб оддий аскар Маъруф Анваров. — Айни кунларда уйга кетиш тараддудини кўряпман. Яқин орада уйга, ота-онам бағрига қайтаман. Мен хизматдан миннатдорман. Чиниқдим, маънавий жиҳатдан камол топдим. Мен учун энг азиз инсонлар — ота-онамнинг қадрини янада теранроқ англадим. Мустақиллик энг азиз неъмат эканлигини янада чуқурроқ тушуниб етдим.

Биз Ватан ўғлонлари ҳур Ўзбекистонимизни қанчалик ишончли ҳимоя қилсак, мустақиллигимиз шунчалик мустаҳкам бўлади.

Оддий аскар Жўрабек Раҳматов яқинигина хизматини бошлади, унинг ҳам касби ҳайдовчилик.

— Мен, — дейди у, — Бухоро вилоятидан бўламан. Ушбу қисмга хизматга келганимдан ҳурсандман. Қўлимда ҳайдовчилик гувоҳномам бўлгани билан ўзимни ҳали маҳоратли ҳайдовчиман, деёлмайман. Хизматимни биринчи кунидан бошлаб катта аскарлар менга яқиндан ёрдам беришяпти. Оддий аскар Маъруф Анваров ҳам шулар жумласидан. Маъруф ака менга ва янги келганларга ўз тажрибаларидан сўзлаб беряпти. Нималарга қўпроқ эътиборимизни қаратишимизга муҳим аҳамият беряпти.

Мен ўз йигитлик бурчларини ҳайдовчи сифатида ниҳоясига етказаётган ва энди бошлаётган йигитлар билан суҳбатлашар эканман, улар ўз эгаллаган касбларидан мамнун эканлигини ҳис этдим. Аслида, ҳаётда ҳам кимки ўзи меҳр қўйиб бирор касбни эгалласа, иши юришади, вазифасини сидқидилдан бажаради. Бугун ҳайдовчи сифатида хизмат қилаётган йигитлар, эртага фуқаролик ҳаётига қайтишгач, ушбу касблари орқали Ватанимиз равнақига катта ҳисса қўшишларига асло шубҳа йўқ.

Подполковник
Абдураззоқ ОБИДОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ПОРЯДОК ПОДДЕРЖИВАЕТ ХАН

С каждым годом теснее становится на улицах столицы Узбекистана и прилегающих к Ташкенту автомагистралях. Тысячи отечественных и зарубежного выпуска автомобилей радуют глаз, но и создают сложную обстановку на дорогах. Сегодня, чтобы своевременно прибыть в заданный район, военному водителю надо быть настоящим профессионалом и, умело ведя автомобиль, строго соблюдать правила уличного движения.

А помогает ему в этом военная автомобильная инспекция гарнизона ХАН, главной задачей которой является контроль за соблюдением правил дорожного движения водителями воинских частей, а также поддержание порядка в использовании автомобильной техники в гарнизоне.

Для того, чтобы делать в необходимых случаях замечания водителям, рассматривать в установленном порядке дела о нарушениях правил дорожного движения, составлять протоколы, личный состав гарнизонной ХАН должен много знать и уметь. И хотя сюда подбирают опытных военнослужащих по контракту, хорошо знающих автомобильное дело, учеба личного состава здесь всегда на первом месте. Опытные инспектора ХАН Ташкентского гарнизона регулярно проводят инструктажи с техниками-инспекторами, доводят до них схему движения автомобилей по городу Ташкенту, задачи, обязанности и права инспектора ХАН.

Понятно, что далеко не каждому водителю или старшему машины, по душе, когда строгий инспектор показывает жезлом регулировщика знак остановки. Поэтому от техников-инспекторов кроме хорошего знания правил дорожного движения и содержания автомобилей требуется и немалая выдержка, умение четко представиться, ясно изложить причину остановки, а при обнаружении нарушений правил использования автомобильной техники или неисправности автомобиля способность проявить принципиальность. И здесь не может быть никаких компромиссов, ведь неисправный автомобиль — это источник опасности для всех участников дорожного движения.

Благодаря напряженному труду небольшого коллектива ХАН Ташкентского гарнизона нарушений на столичных улицах с каждым годом становится меньше, а военные водители становятся образцом выполнения правил дорожного движения для своих гражданских коллег.

Подполковник
Владимир КАЛОШИН.

ПРОФЕССИОНАЛАМ ТРУДНОСТИ НИПОЧЕМ

С наступлением зимних холодов заметно осложняется задача военных водителей, поскольку эксплуатация техники в таких условиях требует особых навыков и умения. Но младших сержантов по контракту Бахрома Наджимова и Бахрома Мамедалиева предстоящие трудности не пугают. Во-первых, за рулем они уже не первый год и не зря слывет о них слава, как о настоящих профессионалах, во-вторых, воины во время перевода автотранспортных средств на зимний режим эксплуатации тщательно подготовили вверенные им автомобили к сюрпризам матушки-зимы. Потрудиться пришлось немало, но зато теперь они уверены в том, что в нужный момент сработают тормоза, не подведет ходовая часть, да и двигатель будет работать, как часы. А если и возникнут внезапные проблемы, то воины-контрактники решат их в считанные минуты, ведь их знания техники вполне можно назвать совершенными. И это они еще раз подтвердили в ходе сдачи итоговой проверки по технической подготовке, где проверяющие без малейших колебаний поставили им отличные оценки.

С. НИКОЛАЕВ.

Жанговар машина ҳайдовчиси оддий аскар Дилмурод Қодиров якуний синов машғулотларида фаол иштирок этиб, ўзининг намунали аскар эканлигини исботлади, аълочи посбонлар сафидан муносиб жой олди.

Александр МРУЧАК олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН—ЮНЕСКО: ҲАМКОРЛИККА ЎН ЙИЛ

2003 йил 25 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилинганига 10 йил тўлади.

Маълумки, ЮНЕСКО таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик орқали тинчлик ва хавфсизлик гояларига хизмат қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Халқимизнинг бой маданий ва тарихий ўтмиши мазкур халқаро ташкилот томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинаяпти.

Бундан ўн йил муқаддам ЮНЕСКОнинг тенг ҳуқуқли аъзолигига қабул қилинган Ўзбекистон унинг фаолиятида фаол иштирок эта бошлади. 1997 йилда аъзо давлатлар вакиллари Ўзбекистоннинг ташкилот дастурларини амалга оширишдаги салмоқли улуши ва алоҳида ўрнини эътироф этиб, мамлакатимизни раҳбар орган — Ижроия кенгашга сайлашди. Бу эса ўз навбатида ҳамкорлик истиқболларига янги салоҳият бағишлади.

1996 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО бош қароргоҳига ташрифи ўзаро муносабатларнинг янада ривож топишида муҳим омил бўлди. Давлатимиз раҳбари Ижроия кенгашда маъруза қилди ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишлаб ушбу халқаро ташкилотда ўтказилган тадбирларда иштирок этди.

1998 йил 6—8 ноябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати таклифига биноан ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлиси бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бундай кўчма йиғилиш шу пайтгача МДҲ давлатларида ҳали уюштирилмаган эди. Сессия якунида «Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатлардаги фаолияти» деб номланган Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги қирраларини очди. Жаҳоннинг ўнлаб давлатлари вакиллари ўз мусиқа санъатини намойиш этиш учун ҳар икки йилда бир марта Самарқандда тўпланишади.

Ўзбекистон динлараро мулоқотни ривожлантиришга катта эътибор бериб, ЮНЕСКОнинг бу йўналишдаги кенг кўламли фаолиятини юқори баҳолайди. Шу боис мамлакатимиз ташаббуси билан 2000 йил 13—14 ноябрь кунлари ташкилот ҳомийлигида «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди ва унинг якунида Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Сўнгги йилларда илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ЮНЕСКОнинг еттита кафедраси фаолият кўрсатаётгани, 1995 йил 5 июль куни Самарқандда Марказий Осиё халқаро тадқиқотлар институтига асос солингани бу соҳада ҳамкорликнинг истиқболлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг қадимий цивилизациялар тимсолини ўзида мужассам этган кўплаб тарихий обидалари бугун Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Улар орасида Самарқанд, Хива, Бухоро ва Шаҳрисабзнинг меъморий осори-атиқалари бор.

ЮНЕСКО ҳомийлигида турли йилларда мамлакатимизда Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби машҳур бобокалонларимиз ва Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз шаҳарлари, «Авесто» китоби, «Алпомиш» халқ достонининг юбилейлари ўтказилган.

«Жаҳон» АА.

ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

В РАМКАХ УСТАНОВЛЕННЫХ ЗАДАЧ И ПРИОРИТЕТОВ

Состоялось заседание Кабинета Министров Республики Узбекистан, рассмотревшее ход выполнения задач, поставленных Президентом Исламом Каримовым в докладах на заседании Кабинета Министров 17 февраля и 18 июля этого года, и итоги девяти месяцев по реализации приоритетных направлений реформ и социально-экономического развития страны. Вел заседание Премьер-министр Республики Узбекистан У. Султанов. С докладами по обсуждавшимся вопросам выступили первый заместитель Премьер-министра К. Туляганов, заместители Премьер-министра Р. Азимов, М. Усманов, министр финансов М. Нурмуротов, а также ряд министров, председатели комитетов, корпораций, компаний и хокимы областей. По обсужденным вопросам приняты соответствующие решения.

Вчитываясь в итоги социально-экономического развития страны за девять месяцев текущего года, испытываешь естественное чувство национальной гордости. Наши успехи огромны и неоспоримы. Если говорить о главных итогах нашего социально-экономического и общественно-политического развития, то их можно выразить несколькими словами. Прежде всего подчеркнем, что **страна развивалась и развивается точно в рамках установленных главой государства задач и намеченных приоритетов.**

